

## **ХАЛФАЧИЛИК АНЬАНАЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**Раззоқова Гўзал.**

*Жиззах Давлат педагогика институти  
“Тарих ўқитиши методикаси” кафедраси  
катта ўқитувчиси.*

### **Аннотация:**

Ўзбек халқ поэтик ижодининг тарихи ниҳоятда қадимий бўлишига қарамасдан, уни ўрганувчи фан – фольклоршуносликнинг шаклланиши анча кейинги даврларга тўғри келади. Ўзбек халқ оғзаки ижодида “фольклор” атамаси дастлаб “эл адабиёти”, “халқ адабиёти”, “оғзаки адабиёт” ва “оғзаки ижод” тарзида қўлланилди.

### **Калит сўзлар:**

Кўшиқчилик санъати, фолклор, “Халқ мусиқаси”, “мусиқа фольклори”, “Чигатой тили дарслиги”, “Гўрўғли” достони ва фолклорчилик наъмуналари.

Маълумки, энг қадимги даврларда яшаган турли халқлар маданияти ва санъатини бир-биридан кескин фарқ қилувчи турлари ҳамда шакллари мавжуд бўлиб, уларни кўз билан кўриш ёки илғаш қийин. Чунки, ибтидоий одамлар ҳаётида моддий-иқтисодий турмуш жабҳаларидан шаклланиб келаётган маданият ва санъат бевосита уларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ бўлиб, буларга кўпроқ уларнинг руҳий ҳолати, кечинмалари ҳамда хўжалик фаолияти катта таъсир этган. Айниқса, ўзбек миллий мусиқа санъатининг пайдо бўлиши ва ривожланишини унинг дастлабки босқичлари яъни, миллатнинг турли даврлардаги тарихида ҳам кўриш мумкин. Қолаверса, бошқа халқларда бўлгани каби ўзбек мусиқа маданияти ҳам бошқа миллий оҳанглар нота ёзуви ёки шунга ўхшаш мусиқий белги билан ифодалана бошлаганига қадар катта тарихий йўлни босиб ўтган<sup>1</sup>.

Кўшиқчилик санъати инсоннинг узоқ тарихий даврлар давомида шаклланган ижтимоий фикри, ғоялари ва дунёқарашлари маҳсулидир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қадимги Марказий Осиё халқлари қўшиқчилик санъатининг бошқа этнослардаги шундай санъатига ўхшаш бўлганилигидан ташқари, ўзининг фарқланувчи жиҳати асосан, шеърият ва рақс билан ҳамоҳанг боғлиқликда ривожланиб келган. Бундан ташқари, қўшиқчилик энг қадимги даврларда халқ санъати шаклида пайдо бўлиб, кейинчалик ижтимоий табақаланиш натижасида унинг касбий (профессионал) шакли ажralиб чиқа бошлаган<sup>2</sup>.

Ўз ўрнида таъкидлаш жоизки, қадимги қўшиқчилик санъати жанрлари ва шакллари ранг-баранг бўлиб, улар ижтимоий турмуш, халқ анъаналари ҳамда маросимлари билан бевосита боғлиқ ҳолда, асосан мадхиялар, аллалар, йиги, ҳарбий чақириқлар, ибодат қўшиклари, тантаналар, шунингдек, байрам қўшиклари тарзида намоён бўлган<sup>3</sup>.

Ўзбек халқининг фольклор жанрлари жуда хилма-хилдир. Ҳар бир воҳанинг этник жойлашуви ва урфодатига караб фольклор жанрлари ҳамда услублари турличадир. Шуни инобатга олган ҳолда бугунги кунда олдимиизда турган вазифа мавзуни этнографик жиҳатидан ўрганиб, унинг фольклоршунослик ва этнологиядаги назарий жиҳатларини тадқиқ қилишдан иборат эканлигини алоҳида қайд этиш жоиз. “Фольклор” атамаси инглизча (folk) ва (lore) – донолик сўзларидан ясалган бўлиб, “халқ донолиги”, “халқ дононимандлиги” маъноларини англатади. Мазкур атама биринчи марта 1846 йилда Вильям Томас томонидан илгари сурилган. Шундан бошлаб ушбу термин халқаро миқёсда илмий муомалада кенг тарқалди. Шунга қарамай, Англия ва АҚШда ушбу атама кенг маънода халқ ижодиётининг барча соҳалари – халқ поэзияси, насли, мусиқаси, рақс, рассомлик, ўймакорлик, диний эътиқод ва урф-

<sup>1</sup> Ҳамидов X. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. – Т: Ўқитувчи, 1996. – Б. 8.

<sup>2</sup> Юқоридаги асар... – Б. 9–10.

<sup>3</sup> Ҳамидов X. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи.... – Б. 8.

одатларини ифодаласа, сабиқ Совет Иттифоқида эса, асосан, сўз санъати ҳамда халқ оғзаки поэтик ижоди тушунчасини ўзида акс эттирган.

“Халқ мусиқаси” тушунчаси “мусиқа фольклори”, халқ санъатининг бошқа турлари, чунончи, ўймакорлик (ёғоч, ганч ва мис ўймакорлиги), қулолчилик, заргарлик, зардўзлик, каштадўзлик сингарилар халқ амалий санъати атамалари билан ифодаланади. Халқ рақси санъати хореография (грекча choreuo-хор жўрлигига рақсга тушмоқ ва grapho-рақс харакатларини маҳсус белгиларда ёзиб олмоқ) деб юритилади<sup>4</sup>.

Маълумки, ўзбек халқ поэтик ижодининг тарихи ниҳоятда қадимий бўлишига қарамасдан, уни ўрганувчи фан – фольклоршуносликнинг шаклланиши анча кейинги даврларга тўғри келади. Ўзбек халқ оғзаки ижодида “фольклор” атамаси дастлаб “эл адабиёти”, “халқ адабиёти”, “оғзаки адабиёт” ва “оғзаки ижод” тарзида қўлланилди. 1935 йилда X. Зариф ва Ш. Ражабийларнинг “Ўзбек совет фольклоридан намуналар” китоби нашр этилганидан кейин мазкур атама кенг қўлланила бошланди ва аста-секин ўзбек фольклори тушунчаси замирида ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди тушуниладиган бўлди. X. Зарифнинг олий ўқув юртлари учун тузган икки жилдик “Ўзбек фольклори” (1939, 1941) хрестоматияси нашр қилингач, ушбу атама янада барқарор мазмунга эга бўлди.

Ўзбек фольклори оғзаки сўз санъатининг ёрқин намунаси бўлиб, ўзида халқнинг дунёқараши, бадиий завқи, ижодий салоҳияти, симпатия ва антипатияси, орзу ҳамда интилишларини акс эттиради<sup>5</sup>. Бинобарин, фольклорни маҳсус фан сифатида олий ўқув юртларида ўқитиш ҳаётий зарурият тақозоси туфайли амалга ошиди. Фольклор санъатини фан сифатида ўрганиш ҳаракати дастлаб Англия университетларида XVII аснинг иккинчи ярмидан бошланган бўлса, Россияда эса Ф. Н. Буслаев, А. Н. Веселовский ҳамда Н. И. Стороженколарнинг ташабbusи билан 1863 йилда Москва ва Петербург университетларида “Умумий адабиёт тарихи” номи остида рус фольклорини ўқитиш йўлга қўйилди. Минтақада ўзбек фольклорини ўқитиш ташабbusи эса Октябрь инқилобидан сўнг, яъни 1930 йилларнинг ўрталарида амалга ошиди.

Қадимги фольклорга оид турли афсона ва ривоятлар айрим сайёҳларнинг эсдалик китоблари ҳамда тарихий манбалар орқали ҳам етиб келган. Туркий халклар фольклори намуналари тўплаш ва ёзиб олиш машҳур қомусий олим Маҳмуд Кошғарийнинг (XI аср) “Девону луготит турк” асаридан бошланса, тарихий манбаларда Маҳмуд Замахшарий фольклоршунослик билан шуғулланиб, қўплаб мақол, афсона ва ривоятлар тўплаганлиги ҳақида маълумотлар учрайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, том маънода ўзбек фольклоршунослигини ўрганиш ишлари XIX асрнинг ўрталаридан бошланади. Мазкур даврда Марказий Осиёга Ғарб мамлакатларидан бир қанча сайёҳ ва шарқшунослар турли сабабларга кўра кириб кела бошлаган. Улар ўз саёҳатлари давомида маҳаллий халқнинг оғзаки ижоди билан ҳам қизиқиб, улардан айрим намуналарни тўплаб, турли нашрларда чоп эттирган.

XIX асрнинг ўрталарида Хива ҳамда Бухоро хонликларига саёҳат қилган можар олими Херман Вамбери Хоразмдан “Юсуф ва Аҳмад” достонининг қўлёзмаси, “Хурлиқо ва Ҳамро” ва “Гўрўғли” достонларидан айрим парчаларини олиб кетган эди. Шунингдек, Вамбери баҳши ва қиссаҳонлар ижро фаолияти билан ҳам қизиқиб, қўплаб халқ мақолларини ҳам тўплаган. У ўзи тўплаган материалларни 1867 йилда Лейпцигда “Чигатой тили дарслиги” номи билан чоп эттирган эди. Ушбу китоб хрестоматия-мажмуа деб номланса-да, ундан шарқшунос олимнинг ўша даврдаги туркий халқлар фольклорига оид тадқиқотлари ҳам ўрин олган.

Марказий Осиё Россия империяси томонидан истило қилингандан кейин рус сайёҳ ва шарқшуносларининг ушбу ўлкага бўлган қизиқишилари янада ортди. Натижада Марказий Осиёга келган рус зиёлилари мазкур ўлкадаги халқлар фольклоридан намуналар ёзиб олиб, уларни турли нашрлар орқали эълон қилган эди. Улардан бири Н. П. Остроумов бўлиб, у мақол, матал, топишмоқ ва эртакларни тўплаш ҳамда чоп этишга муайян даражада ўз ҳиссасини қўшган. Шунингдек, А. Н. Самойлович 1908 йилда Хивага келиб, воҳа аҳолиси билан суҳбатлашиб, улардан оғзаки тарзда

<sup>4</sup> Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т: Ўқитувчи, 1990. – Б. 4.

<sup>5</sup> Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б. 4.

“Аннамурод бобо” ва “Эрни эр қилган хотин” эртаклари ҳамда “Хоразмнома” қўшиқларидан парчалар ёзб олиб, Санкт-Петербургда чоп эттиради.

А. Н. Самойлович илмий тадқиқот ишлари билан ҳам шуғулланиб, “Гўрўғли” достонининг генезиси хақида мухим материалларни эълон қиласди.

XIX асрдан бошлаб айrim китоб шинавандалари ташаббуси билан ҳалқ достонларининг қўлёзма, кейинчалик тошбосма нусхалари ҳам пайдо бўла бошлади. Ушбу қўлёзмалар фольклоршунослик талабларига тўла жавоб бера олмаса-да, ўша даврда мавжуд бўлган айrim ҳалқ оғзаки ижоди намуналарининг сўнгги асрларгача сақланиб қолиши ва уларнинг янгидан оғзаки репертуарга айланишида муайян аҳамиятга эга бўлди.

XX асрнинг иккинчи чорагидан бошлаб ўзбек миллий фольклоршунослиги шаклана бошлайди. Ҳалқ ижодини тўплаш ва ўрганиш ишлари дастлаб Туркистон маориф комиссариати Давлат илмий кенгашининг Ўзбек билим ҳайъатида марказлаштирилади. Ушбу хайрли ишнинг илк ташкилотчиларидан бири Ғози Олим Юнусов бўлиб, у 1922 йилдан бошлаб ҳалқ ижодиёти асарларини ёзб олиш ва уларни тадқиқ қилиш ишларини йўлга қўйди. 1923 йилда Мулла Бекжон Раҳмон ўғли Хоразмдан тўпланган 564 та мақолни “Ўзбекча башар сўзи” номи остида чоп эттиради. 1925 йилда Элбек ва Ғулом Зафарийлар томонидан “Ашулалар” тўплами эълон қилинди.

Фольклоршунослардан Ҳоди Зариф (1905–1972), Мансур Афзалов (1910–1973), Музайяна Алавия (1909–1988) ва Ж. Қобулниёзов (1919–1974)лар ҳалқ оғзаки ижодига оид кўпгина мусиқий асарларини тўплаш ҳамда тадқиқ қилиш ишларини амалга оширган. XX асрнинг 60- йилларига келиб фольклоршуносларнинг янги авлоди етишиб чиқиб, дастлаб 1980 йилда Ҳ. Рассоқов, Т. Мирзаев, О. Собиров ва К. Имомов, кейинчалик К. Имомов, Т. Мирзаев, Б. Саримсоқов ҳамда О. Сафаровлар томонидан “Ўзбек ҳалқ оғзаки поэтик ижоди” бўйича дарслклар яратилди.

### **Адабиётлар:**

1. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. – Т: Ўқитувчи, 1996. – Б. 8.
2. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи. – Т: Ўқитувчи, 1996 – Б. 9–10.
3. Ҳамидов Ҳ. Ўзбек анъанавий қўшиқчилик маданияти тарихи.... – Б. 8.Имомов К., Мирзаев Т.,
4. Саримсоқов Б., Сафаров О. Ҳалқ оғзаки поэтик ижоди. – Т: Ўқитувчи, 1990. – Б.
5. .Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ҳалқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент: Ўқитувчи, 1990. – Б.
6. .Халикулова, Хулкар Юлдашевна. "УЧАСТИЕ УЗБЕКИСТАНА В ПАРАЛИМПИЙСКИХ ИГРАХ (2004-2014 гг.)." Вестник развития науки и образования 6 (2014): 70-75.
7. Халикулова, Хулкар Юлдашевна. "Государственная политика Узбекистана в сфере поддержки инвалидов." Актуальные вопросы современной науки и образования (2016): 99-102.
8. Халикулова, Хулкар Юлдашевна. "Функционирование дошкольных учреждений для детей с ограниченными возможностями (1991-2013 гг.)." Вестник науки и образования 10 (22) (2016).
9. Халикулова, Хулкар Юлдашевна. "История развития толерантного отношения к инвалидам на основе изучения письменных источников восточных мыслителей Средней Азии." Проблемы современной науки и образования 12 (54) (2016).
10. Халикулова, Х. Ю. "ИСЛАМ И ТРАДИЦИОННЫЕ ЦЕННОСТИ В ОТНОШЕНИИ К СОЦИАЛЬНО УЯЗВИМЫМ СЛОЯМ НАСЕЛЕНИЯ." Идеалы и ценности ислама в образовательном пространстве XXI века (2016): 257-259.
11. Халикулова, Хулкар Юлдашевна. "ОБРАЗОВАНИЕ ДЕТЕЙ В СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫХ ШКОЛАХ И ШКОЛАХ ИНТЕРНАТАХ (1991-2014Г)." Theoretical & Applied Science 5 (2016): 40-43.
12. Xulkar, Xolikulova. "Social protection of people with disabilities in Uzbekistan after State Independence." Humanities and Social Sciences in Europe: Achievements and Perspectives (2015): 29.
13. K Kholikulova, P Qulmatov, K Fayzullayeva, M Xolbekova. Historical aspects of the attitude of society to the people with disabilities in antiquity and the middle ages in the east and west. International Journal of Scientific and Technology Research 9 (4), 3486-3492
14. Kholikulova K. Y. Evacuation of children during World War II to Uzbek families //Eurasian Scientific

Herald. – 2022. – T. 5. – C. 8-13.

15. Kholikulova, Khulkar Yuldashevna. "Evacuation of children during World War II to Uzbek families." Eurasian Scientific Herald 5 (2022): 8-13.